



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2022 йил – инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 12 февраль, № 33 (8095)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 февраль куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Қозоғистон Республикаси Бош вазири Алихан Смаиловни қабул қилди.



Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ва кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Учрашув аввалида Бош вазир Алихан Смаилов

давлатимиз раҳбарига Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг саломини ва энг эзгу тилақларини етказди. Ўтган йил декабрь ойидаги саммитда Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчилари эришган келишув-

ларнинг амалга оширилишини таъминлаш борасида икки мамлакат ҳукуматлари томонидан қабул қилинаётган чоралар кўриб чиқилди. Товар айирбошлаш ҳажминини ошириш ва унинг кўрсаткичлари мувозанатли бўлишига эришиш учун



қулай шарт-шароитлар яратиш, янги соноат кооперацияси ва логистика марказлари ташкил этишни жадаллаштириш, сув, энергетика ва транспорт-коммуникация соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, ҳудудлараро мулоқотлар ва

маданий-гуманитар алмашинувни фаоллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИгини КУЧАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 11 февраль куни йўлларда инсон хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

— Бу масалани охириги беш йилда бирор раҳбар, бирорта ташкилот жиддий ва таҳлилий муҳокама қилмаган. Мазкур соҳа бўйича қонунлар, ишлар мутлақо қониқарсиз. Йўл ҳаракати хавфсизлиги масаласи издан чиқиб кетган. Бу одамларнинг эътирозига сабаб бўляпти, — деди давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимизда 2021 йилда 10 мингдан зиёд йўл-транспорт ҳодисалари содир этилиб, уларда 9 мингдан ортиқ инсонлар жароҳатланган. Энг ачинарлиси, 2 минг 500 га яқин одамлар ҳалок бўлган.

Таҳлилларга кўра, йўллардаги фаолликнинг 25 фоизи йўл ҳолати ёмонлиги ва инфратузилмаси оқилно ташкил этилмагани оқибатида келиб чиқмоқда. Масалан, Поп билан Тўрақўрғон, Жарқўрғон ва Денов, Самарқанд билан Ғузор ўртасидаги йўллар, А-373 йўлининг Езёнов туманидан ўтган қисмида ҳар йили ўнлаб одамлар ҳалок бўлмоқда. Афсуски, бундай хавфли кўчалар ҳар бир вилоят, ҳар бир туман ва шаҳарда бор.

Йиғилишда йўл-транспорт ҳодисалари кўп содир бўлаётган ҳудудлар кўрсатиб ўтилиб, мутасаддиларига интизомий жаза чоралари белгиланди. Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи, Андижон ва Самарқанд вилоятлари йўл ҳаракати

хавфсизлиги бошқармалари бошқилари лавозимидан озод қилинди.

Қайд этилганидек, транспорт ҳодисаларининг кўпига ҳайдовчиларнинг йўл қоидаларини қасддан менсимаслиги ва тажрибасизлиги, пидедаларнинг қоидаларга амал қилмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда. Шу боис бу йил барча ҳудудда “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пидеда” умуммиллий дастури амалга оширилиши таъкидланди.

Қонунчилик палатаси ва мутасадди идораларга йўл ҳаракати оид қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиб, тубдан такомиллаштириш вазифаси қўйилди. Чунки кўп қоида-бузарликлар, уларни такрор содир этиш ҳолатлари кўпайган.

Жазо муқаррарлигини таъминлаш мақсадида бундан бунён ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун жарима баллари тизими жорий этилиши белгиланди. Масалан, ҳайдовчи тезликни оширс, 1 балл, қизил чирокда ўтса, 3 балл ҳисобланади. Агар бир йилда қоида-бузарликлар жами 12 баллдан ошса, ҳайдовчи автомобиль бошқаруш ҳуқуқидан маҳрум қилинади ва қайта имтиҳон топширади.

Бундан ташқари, ҳайдовчиларнинг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишда тўланадиган суғурта бадалли миқдорини жарима балларидан келиб чиқиб белгилаш тартиби жорий этилади.

Шунингдек, автомобилни тартибсиз бошқариб, бошқа ҳайдовчиларга ҳалақат қилганлик учун алоҳида “йўл

безорилиги” деган янги жавобгарлик тури киритилди.

Давлатимиз раҳбари йўл ҳаракати қоидалари эскирганини таъкидлаб, уларни халқроқ стандартлар асосида, мутахассислар ва ҳайдовчилар фикрини ўрганган ҳолда янгиллаш бўйича топширик берди.

Йиғилишда ҳайдовчиларни тайёрлаш ва имтиҳон қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ортимизда автотранспорт воситалари йилдан-йилга кўпайиб, ҳайдовчиларнинг малака даражаси ва ўзаро ҳурмати, аксинча, пасайиб бормоқда. Йўл-транспорт ҳодисаларининг 75 фоизини 35 ёшгача бўлган ҳайдовчилар содир этган. Автоматбалларда ўқитиладиган китоблар гализ, ўқув дастури эскича.

Шу боис бундай мақтабларда таълим сифатини назорат қилиш вазифаси Ички ишлар вазирлигига оқлатилди. Автоматбаллар ва имтиҳон марказларига бўлган талабларни қайта кўриб чиқиш, ҳайдовчиликка ўқитиш самарадорлиги ва ўқитувчиларнинг малакасини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Транспорт оқимини бошқаришнинг энг самарали йўли — рақамлаштириш. Лекин бу борадаги ишлар етарли эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, “рақамли бошқарув” Тошкент шаҳридаги жами 602 та чорраҳадан 111 тасида бор, холос. Бошқа шаҳарларда эса бундай тизим йўқ.

Тошкент шаҳар ҳокимлигига пойтахт йўлларида ҳаракат бошқарувини рақамлаштириш, икки йилда барча чорраҳаларни рақамли тизимга ўтказиш вазифаси қўйилди. Ҳудудларда шундай тизимни жорий этиш вилоят ҳокимлари зиммасига оқлатилди.

Нукус шаҳри ва вилоят марказларида йўл ҳаракатини бошқариш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳудудий концепциялар ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда йўллар ҳолати ва инфратузилмасидаги муаммолар ҳам таҳлил қилинди.

Ўтган йили йўл ҳаракати оид масалалар бўйича аҳолидан 10 мингдан зиёд муносабатлар бўлган. Жумладан, транспорт сержантов бўлган 2 мингдан ортиқ чорраҳалар ва 10 мингга яқин пидеда ўтиш йўлақлари светофор ёки бошқа воситалар билан жиҳозланмаган. Аҳоли пунктларида 15 минг километрга яқин пидеда ва велосипед йўлақлари етишмайдди.

Бундан ташқари, йўл белгиси ва кўрсаткичларининг ярми эскириб кетган. Вилоят ҳокимликларига қарашли йўл белгилари ва светофорлар ўрнатишга масъул корхоналарнинг кўп техникаси эскирган. Энди бу корхоналар ўша ҳудуддаги йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси тасарруфига ўтказилиши белгиланди.

Вилоят ва туман марказларида йўл белгилари, светофор ва ёриткичлар ўрнатиш, чиқиқлар қизиш, пидедалар

йўлагини белгилаш, умуман, йўлларни тартибга солишга фақат йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими масъул бўлади. Бу ишларни молиялаштириш учун тизимда “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пидеда” республика ва вилоят жамғармалари ташкил этилади.

Бундан ташқари, йўл белгиларини ишлаб чиқаришда “Автойўл”нинг монополияси бекор қилинади ва ушбу соҳага тадбиркорлар жалб этилади.

Давлатимиз раҳбари кўчалардаги ҳаракатни ҳайдовчи ва пидедалар учун қулай ташкил қилиш бўйича кўрсатмалар берди.

— Йўлларда тартиб-қоидалар илм билан ҳамоҳанг бўлиши керак. Йирик шаҳарлардаги марказий кўчаларда тезлик чекловларини оқилно белгилаш лозим. Жумладан, мактаб ва болчалар олдида тезлик 30 километрдан ошмаслиги шарт. Айрим гавжум кўчаларда эса ҳозирги 70 километр соатдан 60 километрге тушириш зарурати бор, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис соҳага ихтисослаштирилган илмий-амалий марказ ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан соҳа мутасаддилари, ҳокимлар сўзга чиқди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН – ҚОЗОҒИСТОН ҲАМКОРЛИГИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Тошкент шаҳрида 11 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва Қозоғистон Республикаси Бош вазири Алихан Смаилов бошчилигида икки давлат вазирлик, идоралари вакиллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Тоқоёв ўртасидаги очик ва ишончли дўстона муносабат туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги шериклик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда.

Тоқоёв ўртасидаги очик ва ишончли дўстона муносабат туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги шериклик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ МУНОСАБАТЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси, Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси раиси Танзила Норбоева АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Даниел Розенблум билан учрашди.

Мулоқот

Учрашувда икки томонлама ҳамкорлик масалалари, Ўзбекистон ҳамда АҚШ парламенти аъзолари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш истиқболлари, шунингдек, гендер тенгликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасида ўзаро ҳурमत тамойилларига асосланган стратегик шериклик мулоқоти йўлга қўйилгани қайд этилди. Жорий йилда нишонланаётган Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги муҳим воқеа ҳисобланади.

Д. Розенблум Ўзбекистонда одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш, гендер тенгликни, аёллар ҳуқуқларини, шу жумладан, уларнинг бандлигини таъминлаш борасида амалга ошириладиган ишларга юксак баҳо берди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси парламентлараро гуруҳининг АҚШ Конгресси билан ҳамкорлик бўйича мулоқотини давом эттириш, икки мамлакат қўнун чикарувчилари делегацияларининг ўзаро ташрифларини фаоллаштиришга муҳим аҳамият бериладигани алоҳида таъкидланди. “Ўзбекистон бўйича кокус” фаолиятининг ижобий ўрни ва самарадорлиги қайд этилди. Томонлар муҳокама қилинган масалалар бўйича ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш, қўшма лойиҳаларни амалга оширишда кўмаклашишга тайёр эканликларини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

Акс садо

ҚОИДАЛАРНИ МЕНСИМАСЛИКНИНГ ОҚИБАТИ АЯНЧЛИ

Кеча Президент Шавкат Мирзиёев раислигида “Хавфсиз ва раван йўл” тамойили асосида йўлларда инсон хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишини кузатиш асосида кўнглимизда турли мулоҳазалар кечди.

Айниқса, бу масалада Олий Мажлис, маҳаллий Кенгашлар депутатлари овози эшитилмаётгани, улар иштирокида йўл ҳаракати хавфсизлиги бирор марта муҳокама қилинмагани ҳақидаги танқид биз, халқ вакилларини хушёрлик ва огохликка чорлайди. Ҳақиқатан ҳам биз ушбу масала моҳиятига кирмасдан юрверган эканмиз. Аслида

вазият нҳоятда жиддийлигини йиғилишда келтирилган маълумотлар асосида теран ҳис этдик. Бу ўринда факт ва рақамларнинг барчасига тўхталмақчи эмасмиз. Биргина маълумотга эътибор беринг: мамлакатимизда 2021 йилда 10 мингдан зиёд авариялар содир этилган ва уларда 9 мингдан ортиқ фуқаролар жароҳатланган.



Мушоҳада

ЎЗБЕКИСТОН МАНБАШУНОСЛИГИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Мовароуннаҳр уламоларининг илмий мероси ислом цивилизациясининг асосини ташкил қилади. Бугунги кунда дунё кутубхоналарида уларнинг тафсир, ҳадис, калом, фикҳ ва бошқа илмларга оид кўплаб асарлари сақланмоқда. Афсуски, ушбу илмий-маънавий мерос хануз кўп қисмида қолдирилган ва қўйиб кетмоқда.

Соҳа мутахассисларининг фикрига кўра, ислом илмлари билан шуғулланиб, илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар мазкур мероснинг учдан бир қисминини қамраб олган, холос. Шу маънода ислом цивилизацияси илмий-маънавий меросининг учдан икки қисми хали ўрганилмаган, десак, мулоҳаза бўлмайди. Соҳа мутахассис-

лари, олимлар бунга эътибор қаратишлари, кўп қисмининг ҳали тадқиқ этилмаган қисмини хазиналардан чиқариб, халққа етказиш йўлида саъй-ҳаракат қилишлари лозимдир.

Сир эмаски, Шарқда шаклланиган илмлар башариятнинг раванқига катта ҳисса қўшган. Биз ислом цивилизацияси ривожига туртки бўлган илмлар деганда, фақат диний фанларни назарда тутмаймиз.



ЖОЙЛАРДА ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР ВА ТЕГИШЛИ ҲУЖЖАТЛАР МАЗМУН-МОҲИЯТИ ТУШУНТИРИЛМОҚДА

Аввал хабар берилганидек, шу кунларда Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳудудларда бўлиб, жойларда олиб борилаётган ишлар билан танишмоқда. Шу билан бирга, тегишли ҳужжатлар, жумладан, парламент юқори палатаси йиғирма учинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ва кўрилган бошқа масалаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига етказиш мақсадида турли тарғибот тадбирлари ўтказмоқда.

Сенатор ва ҳаёт

Ана шундай тадбирлардан бири Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология кўмитаси раиси Борий Алижонн иштирокида Хоразм вилоятида ташкил этилди.

Тадбирда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида дарҳат экиш, уларни парваришlash ҳамда зараркунандалардан ҳимояlash бўйича Хоразм таҳрибасини жорий этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар кенг таҳлил қилинди.

Иштирокчиларга ушбу эзгу вази-фа ҳудудларда яшил боғлар ва яшил жамоат парклари ташкил этиш, хиёбонлар, йўл ва кўчалар четида, ариқлар ҳамда бошқа ирригация иншоотлари бўйларида, кўп қаватли уйлар оралиғида, маҳаллар ва ташкилотлар ҳудудларида, шунингдек, аҳоли шахсий томорқасида дарҳат ва

буталарни экиш орқали амалга оширилиши тушунтирилди.

Қайд этилганидек, бу каби тадбирларни амалга оширишдан бош мақсад дарҳат кўчатлари экишни янги боққичга кўтариш, атроф-муҳитга гамжўрлик қилиш устувор масала эканлигини ёш авлодга уқтириш, ҳудудлар биологик хилма-хиллигини сақлаш, одамларнинг табиатга муносабатини яхшилаш ҳамда меҳр-муҳаббатини оширишдан иборатдир.

Шунингдек, йиғилишда 2022 йилнинг баҳор фаслида вилоятда дарҳат ва буталар экишни ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан масъул ташкилотлар мутасаддилари ахборотлари эшитилди.

Беруний туманида Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология кўмитаси раиси ўринбосари Ботир

Матмуратов, маҳаллий Кенгаш депутатлари, тегишли идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўтган йиғилишда Сенатнинг йиғирма учинчи ялпи мажлисида кўрилган масалалар, шу жумладан, маъқулланган қонунларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, ялпи мажлисда маъқулланган қонунлар юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, иқтисодийётни жадал ривожлантириш ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши билан алоҳида аҳамиятга эга.

Тадбирда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасининг мазмун-моҳиятига ҳам тўхталиб ўтилди. Қайд этилганидек, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси Президентнинг 2021 йил 30 декабрдаги "Республикада кўкalamзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарҳатлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони доирасида амалга оширилмоқда. Мухими, биргина ўтган йилнинг куз фаслида 85 миллион тулдан зиёд дарҳатлар экилди, жорий йил баҳориде эса 105 миллион тул дарҳат экиш режалаштириб олинган.

Умуммиллий лойиҳа доирасида

Беруний туманида 2021 йил куз ва 2022 йил баҳор мавсумларида жами 1 миллион 68 мингта манзарали, мевали дарҳат ва бута кўчатларини экиш белгиланган. Шу асосда 2021 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида 531 минг 771 та манзарали ва мевали дарҳат кўчати экилгани йиғилишда эътироф қилинди.

Йиғилишдан сўнг иштирокчилар умуммиллий ҳаракат доирасида турли дарҳат ва бута кўчатларини экиш жараёнида қатнашди.

Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Маҳмуд Парпиев Наманган вилоятидаги ўрганишлари давомида маҳаллий Кенгашлар котибиат мудирлари, доимий комиссия раислари ҳамда депутатлар билан мулоқотда бўлди. Тадбирда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегияси ва уни "Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури, Сенатнинг йиғирма учинчи ялпи мажлисида кўрилган масалалар мазмун-моҳияти ҳақида сўз борди, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси, аҳоли муурожаатлари би-

лан ишлашнинг жорий ҳолати таҳлил қилинди.

Қайд этилганидек, Давлат дастурининг инсон кадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жаҳиятини янада ривожлантириш орқали халқларвар давлат барпо этиш йўналиши ижросини таъминлаш учун Олий Мажлис палаталари масъул қилиб белгиланган. Айни пайтда ҳудудларни комплекс иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини кўпайтиришга қаратилган устувор вазибалар ижроси юзасидан парламент назорати амалга оширилаётёр.

Ўз навбатида, йиғилишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида доимий асосда фаолият юритувчи депутатлар корпусини шакллантириш ва уларнинг ваколатларини кенгайтириш орқали ҳудудий ижро органлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш лозимлигига эътибор қаратилди.

Учрашувда сенатор "Географик кўрсаткичлар тўғрисида"ги қонунда илк мартаба "географик кўрсаткич" тушуниши ақс этирилгани ва у ноёб маҳсулот учун белгини рўйхатдан ўтказишни хоҳловчи ишлаб чиқарувчилар кўпайишига, асосийси, минтақавий брендлар ривожига хизмат қилишини таъкидлади.

«Халқ сўзи».

АКАДЕМИК ЭДВАРД РТВЕЛАДЗЕ

Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликча учради.

Тарих, археология ва санъатшунослик соҳасидаги таниқли олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Эдвард Васильевич РТВеладзе 79 ёшида вафот этди.

Э.РТВеладзе 1942 йил 14 майда Грузия Республикасининг Боржоми шаҳрида туғилди. 1967 йили Ташкент давлат университети тугатиб, Санъатшунослик институтида лаборант лозимиде меҳнат фаолиятини бошлади. 1975 йилда номзодлик, 1989 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Истеъодли олим ўзининг қарийб 60 йиллик илмий фаолияти давомида Санъатшунослик институтининг кичик илмий ходими, катта илмий ходими, бўлим мудирини ҳамда Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бугунжаҳон жаҳияти илмий кенгашининг раиси лозимлариде самарали фаолият кўрсатиб, мамлакатимизда илм-фан ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Заҳматкаш олимнинг Ўрта Осиёнинг қадимий ва ўрта асрлар тарихи, археологияси, нумизматика ва эпиграфикаси, санъати ва маданияти тарихига бағишланган юзлаб мақола ва тадқиқотлари, монография ва рисоалари юртимиз ҳамда дунё олимлари ва мутахассисларига яхши маълум.

Жонқуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берган фидойи олимнинг вевосита раҳбарлиғида ўнлаб фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланган.

Э.В.РТВеладзе мамлакатимизнинг сиёсий-иқтисодий ҳаётида ҳам фаол иштирок этиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сифатида самарали фаолият олиб борди.

Академик Э.РТВеладзенинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофоти, "Буюк хизматлари учун", "Меҳнат шўхрати" ва "Эл-юрт ҳурмати" орденларига сазовор бўлган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин ва самимий инсон Эдвард РТВеладзенинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОВЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ

Сенат кўмитасида

МЕҲНАТ КОДЕКСИ МУҲОКАМАСИ

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитасининг экспертлар гуруҳи йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, ушбу ҳужжатни ишлаб чиқишда хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар таҳрибаси чуқур ўрганилди. Кодекснинг махсус қисми меҳнат ҳуқуқининг айрим институтига бағишланган ва бандлик, индивидуал меҳнат муносабатлари, ходимларни касбга тайёрлаш, қанда тайёрлаш ва малакасини ошириш, айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат низоларини кўриб чиқиш сингари янги нормаларни ўз ичига олган.

Шунингдек, кўмита экспертлари томонидан тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари, иқтисодий тармоқлардаги ҳамда фуқаролардан келиб тушган тақлифлар кенг муҳокама қилинди. Хусусан, яқна тартибдаги меҳнатга оид му-

носабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий принциплари, меҳнат жараёнидаги камситиш омилилари, хизмат текшируви, жамоавий меҳнат низолари ҳамда тадбиркорлик соҳасида ёлланиб ишловчилар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятлари юзасидан берилган тақлифлар таҳлил этилди.

Иштирокчилар томонидан ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши ходимлар ва иш берувчилар манфаати мувозанатини таъминлашга, меҳнат фаолиятига жалб этишнинг янги шакллари фаол ривожлантиришга, Меҳнат кодекси коидаларини халқаро ҳуқуқ нормалари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномаларга мослаштиришга шароит яратиши таъкидланди.

Йиғилиш якуни бўйича тегишли тақлиф ва тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА ҚАНДАЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛМОҚДА?

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича парламент комиссияси ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Сарҳисоб

Унда Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциянинг бажарилиши юзасидан олтинчи ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактнинг ижроси учинчи даврий ҳисоботларини кўриб чиқиш натижалари бўйича Ҳукумат делегацияси аъзоларининг ҳисоботи муҳокама қилинди. Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва Бола ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2021 йилдаги фаолиятлари тўғрисидаги ахборотлари эшитилди.

Тадбирда депутатлар, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратура, Адлия, Ички ишлар, Халқ таълими, Мақтабгача таълими, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирликлари ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Қайд этилганидек, Ҳаракатлар стратегияси доирасида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базаси мустаҳкамланди, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар миллий қонунчиликка имплементация қилинди, халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик янада фаоллашди. Парламент томонидан илк бор Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини амалга ошириш тўғрисидаги миллий маърузаларини муҳокама қилиш амалиёти жорий этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўрин-

босари, Парламент комиссияси раиси А. Саидов ўз маърузасида таъкидлаганидек, Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1979 йил 18 декабрда қабул қилинган, юртимиз унга Олий Мажлиснинг 1995 йил 6 майдаги қарорига мувофиқ қўшилган. Шунингдек, 2019 йил 2 сентябрда "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришувчанлик тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниб, биринчи бор "жинс бўйича вевосита камситиш" ва "жинс бўйича билвосита камситиш" тушуначалари қонун билан мустаҳкамланди.

Унга мувофиқ, қонун ижодкорлиги соҳасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мажбурий гендерлик ҳуқуқий экспертизаси жорий этилди, давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, Вазирлар Маҳкамаси, Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия, ваколатли орган ва бошқа давлат органлари, фуқаролик жаҳияти институтиларининг жаҳият ҳаётининг турли соҳаларида аёлларга нисбатан камситишнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик бўйича ваколатлари белгиланди.

Жорий йилнинг 15-16 февраль кунлари БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциянинг бажарилиши юзасида Ўзбекистон Республикасининг олтинчи даврий маърузаси, шунингдек, 22-23 февраль кунлари БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича кўми-

тасида Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт талабларининг Ўзбекистон Республикасида бажарилиши ҳолати бўйича учинчи даврий миллий маърузаси кўриб чиқилиши режалаштирилган.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси миллий маърузаси тақдими сифатли тайёрланиши учун амалга оширилаётган ишлар, шу билан бирга, БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича кўмитасида кўриб чиқилган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт талабларининг Ўзбекистон Республикасида бажарилиши бўйича учинчи даврий миллий маърузаси ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳамда Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар омбудсман)нинг 2021 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахборотлари ҳам эшитилди.

Ҳисобот даврида Омбудсман номига Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлат фуқаролари, омбудсманлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, жамоат ташкилотлари ҳамда бошқа юридик шахслардан 18 минг 738 та муурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 39,6 фоизи фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига, 29,9 фоизи ижтимоий, 24,3 фоизи иқтисодий, 5,6 фоизи сиёсий, 0,6 фоизи экологик ҳуқуқларга тегишлидир. Шунингдек, Омбудсман томонидан Ўзбекистон Республикасининг 39 та қонун лойиҳаси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг 141 та моддасига тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Вакил томонидан инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши ҳамда инсон ҳуқуқларини таъминланганлиги бўйича бир қатор мониторинг тадбирлари ўтказилди. Шунингдек, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг БМТ органлари, Европада хавфсизлик ва ҳам-

корлик ташкилоти, Миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш муассасаларининг глобал альяниси, USAID, Халқаро қамоқхоналар ислохотининг Маркази Осиё бўйича ваколатхонаси каби халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги фаол ривожланиб бормоқда.

Мамлакатимизда болалар меҳнати тўлиқ бартараф этилиб, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил фаолияти йўлга қўйилди. Боланинг энг устун манфаатларини таъминлаш, болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Қайд этилганидек, ўтган йилда Болалар омбудсман номига бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши тўғрисида жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларидан, болалар ҳамда улар қонуний вакиллари томонидан 182 та муурожаат келиб тушди. Ҳисобот даврида Болалар омбудсман томонидан бола ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш юзасидан 123 та сўров давлат ташкилотларига юборилди. Шу билан бирга, бола ҳуқуқларини таъминлаш, вояга етмаганларга оид қонунчилик ҳужжатлари ижросининг назоратини олиб бориш ва тегишли органлар билан ҳамкорлик аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан давлат бошқаруви органлари ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларга 47 та сўров жўнатилди.

Болалар омбудсман томонидан бола ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан ёпиқ, шахслар ўз ихтиёри билан чиқиб кета олмайдиган муассасаларда ўтказилиб, 600 га яқин фуқаролар билан учрашилди. 150 га яқин фуқаролар билан яқна тартибда суҳбатлашилди.

Тадбирда кун тартибидеги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОН – ҚОЗОҒИСТОН ҲАМКОРЛИГИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил декабрь ойида Қозоғистонга давлат таширифи икки томонлама муносабатлар ривожига кучли туртки берди.

Маълумки, икки мамлакат ҳукуматлари олдида давлатларимиз раҳбарлари томонидан келгусида кўп томонлама ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш бўйича аниқ амалий вазибалар қўйилган.

Учрашувда икки томонлама келишувлар амалга оширилишини доимий равишда муҳокама қилиб бориш учун ихтисослаштирилган ташкилотлар раҳбарлари даражасида ўзаро мулоқотни давом эттириш мумимлиги айтиб ўтилди.

Ҳудудлардо алоқани чуқурлаштириш, санаот кооперациясини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар жадал кечмоқда.

Икки давлат чегара ҳудудида Халқаро санаот кооперацияси марказини барпо этиш бўйича келишувни амалга ошириш заруриги таъкидланди.

Томонлар кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиштириш бўйича лойиҳалар ўзаро манфаат келтиришини, қўшма инфратузилма объектлари яратиш савдо ва иқтисодий ҳамкорлигини янада кучайтиришга хизмат қилишини эътироф этдилар.

Йиғилиш якуни бўйича икки мамлакат ёндош вазирили, идоралари ўртасида ҳамкорлигини янада кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди.

Қозоғистон Республикаси ҳукумати делегацияси аъзолари Ўзбекистон ҳукумати вакиллари ҳамроҳлиғида пойтахтимизда жойлашган Технопаркда ҳам бўлиб, мажмуа таркибидеги корхоналар фаолияти билан яқиндан танишди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган санаот маҳсулотлари намуналари, замонавий технологиялар асосида йўлга қўйилган жараёнда меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

Саидмурод РАҲИМОВ, ЎЗА мухбири.

ҚОИДАЛАРНИ МЕНСИМАСЛИКНИНГ ОҚИБАТИ АЯНЧЛИ

Ачинарлиси, 2,5 мингга яқин кишилар, жумладан, 263 нафар бола ана шу воқеалар туфайли ҳалок бўлган. Энди шулар қаторига ана шу автохалокатлар оқибатида қанча инсон майиб-мажруҳ бўлгани ва ана қанча моддий бойлик йўқотилганлигини қўшиб ҳисобласак, вазият чиндан ҳам жиддий эканлиги ойдинлашади.

Бу кўнгилсизликларни келтириб чиқарган турли омиллар бор. Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбари томонидан аниқ-тиниқ кўрсатиб берилган боис мавзуга боғлиқ баъзи мулоҳазалар билан кифояланмоқчимиз.

Тасаввур қилинг, йўлда кетяспиз. Хоҳ ҳайдовчи, хоҳ пиёда бўлинг, шу

сониядан эътиборан йўл ҳаракати иштирокчисига айланасиз. Табиийки, бунинг ўзига яраша қоидалари, оддий айтганда, ҳаракатланш одоби бор. Аммо ҳар доим ҳам барча йўл ҳаракати иштирокчилари қоидаларга амал қилади, деб бўлмайдими. Гоҳ пиёда, гоҳ ҳайдовчи йўл ҳаракати қоидаларини менсимасдан ўтиб кетаётганлигига даярли ҳар кунги гувоҳ бўламиз. Пиёда ўтиш йўлакчаси бўлгани ҳолда, тақиқланган жойдан ўтиб кетаётган бўлса, ҳаёдовчи қизил чирқоқда ҳаракатланади. Аслида, ўзини ҳурмат қилган инсон йўл қоидалари ва талабларини ҳам ҳурмат қилиши керак эмасми?

Ана шу менсимаслик ва ўзини

ҳурмат қилмаслик оқибатлари ачинарли. Ўтган йилги автохалокатларнинг 45 фоизи ҳайдовчиларнинг қоидаларни менсимаслиги натижасида келиб чиққан бўлса, 20 фоиз ҳолатда пиёдалар айбдор бўлган.

Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, йиғилишда анча эскирган йўл ҳаракати қоидаларини халқаро стандартлар асосида янгидан ишлаб чиқиш ҳамда уни тайёрлашда ҳаётда тез-тез учраётган муаммолар, масалан, йўл ҳаракати хавфсизлиги инспектори фаолиятига қаршилик қилиш ёки бўлмаса, уларни оғуришнинг сингари ҳолатларга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги таъкидланди. Албатта, ушбу қоидаларни замон талабига мос даражада

ишлаб чиқиш биз, халқ вакилларида ҳам катта масъулият талаб этади. Йиғилишда соҳа учун ватанпарвар кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам кенг муҳокама қилинди.

Дарҳақиқат, бу борада ҳам муаммолар етарли. Масалан, йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекторининг ноҳилислиги ёки ноҳақлиги ҳақидаги турли хабарларни ижтимоий тармоқлар орқали кузатиб турибмиз.

Ҳўш, соҳа учун ватанпарвар кадрларни қаердан оламиз ёки қандай тайёрлаймиз? Назаримизда, биргина ихтисослаштирилган билим юртининг ўзида бундай кадрларни тайёрлаш имконсиз. Демокчимизки, бунинг учун барча даражада таълим-тарбия муассасалари, яъни боғ-

ча, мактаб, коллеж ва олий ўқув юртрларида инсоннинг ватанпарвар бўлиб шаклланишига хизмат қилар диган фан ёки ўқувлар йўлга қўйилса, бу бизни мақсадимизга анча яқинлаштиради.

Умуман олганда, йиғилишда мавзу билан боғлиқ жуда кўплаб долзарб масала ва вазибалар белгиланди, муҳими, уларни амалга ошириш йўллари ва ечимлари кўрсатиб берилди. Эндиликда барчамиз бир бўлиб ҳаракат қилсак, албатта, олдиндаги қўйилган вазибаларни муваффақиятли ҳал қиламиз, энг муҳими, автохалокатлар сезиларли даражада камайишига эришамиз.

Шухрат Чўлпиев, Олий Мажлис Сенати аъзоси.



ЎЗБЕКИСТОН МАНБАШУНОСЛИГИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Зотан, кўлэмалар хазиналарида сақланаётган асарларнинг катта қисми дунёвий билимларга оид бўлиб, бугунги Фарб дунёси ўз ривожланишида улардан унумли фойдаланган.

Хозирги вақтда дунёда мавжуд маданий ёдгорликларнинг деярли ярмини кўлэма манбалар ташкил этади. Ушбу манбалар қаторидан Ўзбекистон диёрида таваллуд топиб, шу табарруқ заминда илмий фаолият олиб борган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримий, Имом Мотуридид, Махмуд Замахшарий, Абдулхамид Кеший, Абу Муин Насафий, Абу Барокат Насафий каби буюк мутафаккирларнинг ёзма мероси ҳам ўрин олган. Ушбу илмий-маънавий меросни ўрганиш ва кенг жамоатчиликка етказиш долзарб вазифадир.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев Жаноби Олий-ларининг кўлэмаларини сақлаш ва ўрганишга оид қарори бу борада жуда муҳим ҳужжат ҳисобланади. Мен ушбу қарорнинг қабул қилиниши ҳақида эшитганимда бағоят хурсанд бўлдим. Умид қиламанки, ушбу ҳужжат нафақат Амаломанна-нахр, балки бутун Шарқ алломала-

ри илмий меросини қайта жон-лантириш ҳамда тадқиқ этиш бо-расида амалга ошириладиган иш-лар учун муҳим дастур бўлади.

Соҳа мутахассислари ушбу қарорга алоҳида эътибор қаратиш-лари ҳамда унда белгиланган ва-зифаларни ўзaro камарбаста бўлган ҳолда бажаришлари лозим.

Ўзбекистон диёри азалдан ула-молар Ватани ҳисобланади. Шу са-бабли, мутахассислар жаҳоннинг йирик илмий-тадқиқот муассаса-лари билан ҳамкорлик ўрнатган ҳол-да алломалар илмий меросини юзага чиқариш йўлида гайрат кўрсатиш-лари талаб қилинади.

Ишончимиз комилки, ушбу қарор-нинг қабул қилинишидан кўзланган бош мақсад Ўзбекистонда етишиб-чиққан буюк аллома ва мута-факкирлар меросини сақлаш, тадқиқ этиш, қайта тиклаш ҳамда рақамлаштиришдан иборат.

Ушбу диёрда сўнгги йилларда алломалар илмий меросини ўрганиш мақсадида Ўзбекистондаги Ислоҳотлар институти маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академия-си, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридид халқаро илмий-тадқиқот марказлари каби қатор му-ассасаларнинг ташкил қилиниши



таҳсинга сазовордир. Айни вақтда ушбу марказлар томонидан амал-га оширилаётган ишлар жаҳон ҳам-жамиятининг эътирофига сазовор бўлмоқда. Ўйлайманки, ушбу мар-казлар ҳам мазкур қарорда белги-ланган вазифаларни бажаришда алоҳида ўрин тутди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Шарқшунослик институти каби кўлэ-ма манбалар сақланадиган бир қатор даргоҳлар фаолият олиб бормоқда. Ушбу кутубхоналарда сақланаётган айрим кўлэмалар дунёда ягона ҳисобланади. Қадимий ёзма манба-ларни ўрганиш кўпball илмий нати-жаларга эришиш имкониятини яратди. Бунинг учун эса кўлэма-лар устида ишлаш малакаси эга мутахассис-кадрларга алоҳида эъти-ж

мавжуд. Менга энг манзур бўлган жиҳати, қарор билан таълим муас-сасаларида кўлэма манбаларни сақлаш ва таъмирлаш ҳамда матн-шунослик ва адабий манбашунос-лик мутахассислиги бўйича бакалавр ва магистр мутахассисларни тайёр-лаш вазифаси белгиланидир.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозир-да мен фаолият олиб бораётган Имом Мотуридид халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан Абу Мансур Мотуридид ва унинг издош-лари илмий меросини кўлэма ман-балар асосида ўрганиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқ-да. Жумладан, алломанинг "Таъви-лот ал-Қуръон" асарининг ўзбек тил-лидаги таржимасини тайёрлашда унинг замонавий нашрлари билан бир қаторда, дунё кўлэма фон-дларида сақланаётган нодир нусхалари-дан ҳам фойдаланилмоқда. Шунинг-дек, Имом Мотуридид "Китоб ат-тавҳид" асарининг Кембриж университетиди-да сақланаётган ягона нусхаси асоси-да замонавий нашрини тайёрлаш бўйича иш олиб боришмоқда.

Алоҳида қайд этиш керакки, бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар хоржий олим ва мутахассисларнинг эътиборини ўзига тортмоқда. Мен биринчи ва иккинчи Ренессанс даврида бўлган-идек, Ўзбекистон яна жаҳон цивили-зациясининг маркази бўлишига ишонаман.

Аҳмад ДАМАНХУРИЙ,
Мисрдаги Ал-Азхар университетининг
доктори, Имом Мотуридид
халқаро илмий-тадқиқот
маркази илмий ходими.

МАКТАБ-ИНТЕРНАТИМИЗ ТАЯНЧ ЎҚУВ МУАССАСАСИГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

Президентимизнинг Самарқанд вилоятига ташрифи доирасида кўзи оғир ўқувчилар таълим оладиган мактаб-интернатимизга ҳам келгани ўқувчию ўқувчилар, ота-оналар қалбини тўлқинлантириб юборди. Залварли, юки оғир орзулар ушаладиган, бир неча йиллардан буён юракларни ўртаб келаётган муаммолар, қийинчиликлар бартараф этиладиган бўлди.

Дил сўзи

Давлатимиз раҳбари бу ерга илгари, Самарқанд вилоятида ҳоким бўлиб ишлаган пайтларида ҳам келганини, ўшанда мактаб-интернатдаги шарт-шароитларнинг яхши эмаслиги, қачонлардир бу муаммоларни бартараф этиш лозимлиги тўғрисида уйлагани ва шунинг учун ҳам бугун айнан мана шу мактаб-интернатга келишга қарор қилганини айтди.

Тўғриси, Юртбошимизнинг жамоамизга, ўқувчи-ёшларга самимий муносабати улар қалбиди "қулф"ни очиб юборди. Қизгин ўтган суҳбат ва муно-зараларда муаммолар ва улар-нинг ечими ҳақида гап борди.

Бугунги кунда Брайль алиф-босида ёзилган дарсликлар кам, етишмайди, ҳанузгача маъ-нан эскирган китоблардан фой-даланамиз. Айниқса, кўзи оғир-лар учун инглиз тили дарслик-лари мутлақо чоп этилмаган.

Президентимиз бу борада ҳам амалий ишлар бошлани-шини айтди.

Давлатимиз раҳбарининг "...кўзи оғир болаларни мактаб-га тайёрлашда ҳам муаммолар бор. Болаларни 3 ёшдан бошлаб ёзиш ва ўқишга ўргатишни бошлашимиз керак. Шунинг учун мактаб-интернат қошида мактаб тайёрлов муас-сасасини очамиз. Бунинг учун бино қурилиши учун маблаг аж-ратамиз. Бундай болаларнинг имкониятларидан келиб чиқиб, уларни турли спорт йўналиш-ларига жалб этишни кучайти-рамиз. Бунинг учун ҳар қандай шароитни яратишга тайёрман", деган гаплари барчамизни гурулантирди.

Муассаса ўқитувчилари ва ўқувчиларининг тиришқоқлиги, билим олишга бўлган иштиёқи давлат раҳбариди катта таас-сурот қолдирди. Шунинг учун

бўлса керак, мактаб-интерна-тимиз республикадаги кўзи оғир болаларга ихтисослашти-рилган мактаб-интернатлар учун таянч ўқув муассасасига айлан-тирилди. Бу ерда кел-гусида барча талабга жавоб берадиган ётоқхона, ошхона, кутубхона барпо этилади. Мак-табга тайёрлов гуруҳлари учун алоҳида бино қурилади. Бундан ташқари, нафақат бу ерда, бал-ки барча бундай турдаги ўқув даргоҳларида болаларни касб-га тайёрлаш учун устaxonалар қурилади.

Шунингдек, кўзи оғир бола-ларга ихтисослаштирилган мак-таб-интернатлар битирувчи ўқувчилари учун олий ўқув юрт-ларига киришда имтиёзлар бе-риш, турли ташкилот, корхона-муассасаларда ишлашлари учун эса квоталар ажратилиши маъ-лум қилинди.

Асосийли, муаммолар бар-тараф этилиб, муассасамиз за-монавий тус оладиган, дунё бил-лан бўйлашадиган шарт-шароитлар яратиладиган бўлди. Бундан ниҳоятда хурсандимиз.

Абдуҳалим МЕЛИЕВ,
Самарқанд шаҳридаги
59-мактаб-интернат
директори,
Ўзбекистон Республикаси
халқ таълими бўлиғи.

Маъмурий судлар: ФУҚАРОЛАР ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЧИСИ БЎЛИШИ ЛОЗИМ

Мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида кенг кўламли ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши ҳамда 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мақсадларига эришиш давлат бошқарувининг мутлақо янги, самарали ва сифатли фаолият юритувчи тизимини яратишни, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг натижадор ва қонуний фаолият юритишини талаб қилади.

Фикр

Бу борада маъмурий ислохот-ларни изчил давом эттириш йўли-да ўз ечимини кутаётган масала-ларни ҳал қилиш, янги Ўзбекистон шароитида давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти тизим-ининг самарадорлигини ошириш, улар фаолиятини натижадорликка йўналтириш орқали аҳоли фаро-вонлигини таъминлаш ва "мобиль бошқарув апарати"ни яратиш асосий масалалардан биридир.

Шу жиҳатдан, Президентимиз-нинг 2021 йил 22 ноябрдаги "2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурини ишлаб чиқиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғриси-да"ги фармойишида жорий ва кейинги йил учун Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурини ишлаб чиқиш борасида саъй-ҳара-катлар тартиби белгиланди.

Маъмурий юстиция соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар доирасида жорий йилнинг 29 январь кунини қабул қилинган "Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тад-бирлари тўғрисида"ги Президент қарори алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Маъмурий судларнинг биринчи навбатдаги вазифаси фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг дав-лат органлари билан муносабат-ларида қонун устуворлигини таъминлаш билан бир қаторда улар ҳуқуқлари ва қонуний ман-фаатларини самарали ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Шу билан бирга, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бу-зилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш-да судларнинг, айниқса, маъмурий судларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаро ва тадбиркор-ларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айлантириш зарур.

Жамиятда маъмурий судларга бўлган ишончини янада ошириш мақсадида давлат органлари то-монидан суд қарорлари ижро эти-лиши устидан назоратнинг таъсир-чан механизмларини жорий қилиш талаб этилади.

Шу муносабат билан Президенти-мизнинг мазкур қарориди давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳимоя-сини таъминлаш ҳамда маъмурий суд ишларини юритишни халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда тақомиллаштиришга оид чора-тад-бирлар белгилаб берилди.

Ҳақиқатан ҳам, амалиётда юза-га келаётган ҳолатлар таҳлили маъмурий судларда иш жараёнла-рини исботлаш мажбурияти тараф-ларининг ўзига юклатилгани уларни тенгсиз ҳолатга келтираётганини кўрсатмоқда. Хусусан, ҳуқуқи бузил-ган оддий фуқаро ёки юридик

шахснинг ўз талабларини исботлаб бериш бўйича имкониятлари давлат органларининг ресурслари-га қараганда бирмунча чекланган.

Шунингдек, фуқаро ёки юридик шахснинг шикоят асосида чиқари-лган суд ҳужжати ижроси давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан ихтиёрий равишда амал-га оширилишини таъминлаш учун таъсирчан назорат механизмлари мавжуд эмас эди. Бунинг натижа-сида кўп ҳолатларда фуқаролар ёки юридик шахслар манфаатида чи-қарилган суд ҳужжати давлат орган-лари ёки мансабдор шахслар то-монидан ижро этилмагандек қолаёт-ганининг гувоҳи бўлаётган эдик.

Ушбу ҳолатлар инobatта олин-ган ҳолда мазкур ҳужжатда давлат органлари қарорлари устидан бе-рилган шикоятларни кўриб чиқиш-да маъмурий судларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳақиқий ҳимоячисига айлантириш-га қаратилган муҳим чоралар бел-гиланди. Масалан, маъмурий суд ишларини юритишни "суднинг фаол иштироки" таъминлаш асосида амал-га ошириш, бунда маъмурий суд-ларга ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш учун ўз ташаббуси билан далилларни йиғиш мажбуриятини юк-лаш, ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига эса да-лилларни йиғишга фақат ўз имко-нияти доирасида иштирок этишга шароит яратиш назарда тутилди.

Шунинг баробарида, ҳуқуқи бу-зилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига оммавий-ҳуқуқий муно-сабатдан келиб чиқадиган низо бил-дан бирга унга сабабий боғланиш-да бўлган зарарни ундириш тала-бини ҳам маъмурий судга билди-риш ҳуқуқи тақдим этилган ҳолда бундай талабларни кўриб чиқишни маъмурий судлар ваколатига ўтқа-зиш белгиланди.

Эндиликда қонун ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилганидан сўнг маъмурий суд-ларнинг оммавий-ҳуқуқий муноса-батлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича ҳал қилув қарорлари дав-лат органлари ёки ташкилотлари томонидан ижро қилинмаган тақ-дирда, уларнинг мансабдор шах-сларига нисбатан суд жарималари қўлланилади.

Умуман, мазкур чора-тадбир-ларнинг амалга оширилиши дав-лат органлари фаолияти қонуний асосда юритилишини, фуқаро ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва ман-фаатлари самарали ҳимоя этили-шини таъминлашга, маъмурий суд иш юритувини халқаро стандарт-ларни инобатга олган ҳолда тақо-миллаштиришга, энг муҳими, маъ-мурий судларни ҳақиқий халқ су-дига айлантиришга хизмат қилади.

Шухрат ПОЛВОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг Коррупцияга
қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ
масалаларни қўмитаси раиси
ўринбосари.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари диққатига!



ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

2021/2022 ўқув йилида институтнинг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари битирувчиларини иш ўринларига тақсимлаш жараёни бошланганлигини маълум қилади

2021/2022 ўқув йилида институтни тамомлаётган битирувчиларга турли корхона ва ташкилотлардан 2000 га яқин буюртмалар келиб тушган. Шу билан бирга, битирувчиларни ишга тақсимлашда республикамизнинг барча ҳудудини қамраб олиш, юқори малакали мутахассисларга эҳтиёжи бор корхоналарнинг талабларини қондириш ва битирувчиларга тақсимот жараёнида иш жойини танлаш имкониятини кенгайтириш мақсадида олий ўқув маскани томонидан буюртмалар қабул қилиш давом этмоқда. Институтни тамомлаётган мутахассисларга эҳтиёжи бор ҳўжалик субъектлари раҳбарлари талабнома ва сўров хати билан 2022 йил 15 майгача ректоратга мурожаат қилишлари мумкин. Талабномада буюртмачининг рекевизитлари (почта манзили, телефон рақами) ҳамда тақлиф этилаётган лавозим тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ кўрсатилиши лозим.

Бундан ташқари, мутахассисларга эҳтиёжи бўлган барча корхона, ташкилотлар, шунингдек, туманлар ҳокимликлари, аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази масъул ходимлари битирувчилар билан бевосита суҳбат ўтказиш, ишга танлаб олиш ҳамда шартномалар расмийлаштириш учун институтнинг Маркетинг ва талабалар амалиёти бўлимига мурожаат қилишлари мумкин. Битирувчилар тўғрисидаги батафсил маълумот билан институт веб-сайти (tfi.uz)даги "Талабалар" бўлимида танишиш мумкин. Йўналишлар бўйича қуйидаги маълумотларни илова қиламиз.

2021/2022 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРУВЧИ БАКАЛАВРЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

№	Бакалавр таълим йўналишларининг номи	Жами битирувчилар сони	Шу жумладан, вилоятлар бўйича													
			Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Қашқадарё вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сирдарё вилояти	Сурхондарё вилояти	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Тошкент шаҳри
1	Молия	234	11	13	16	5	16	10	7	17	5	7	12	14	20	81
2	Банк иши	81	2	3	2	8	3	2	5	6	4	3	8	7	4	24
3	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	94	1	3	13	6	7	4	3	7	1	1	8	4	4	32
4	Солиқлар ва солиққа тортиш	42	3	3	1	5	2	6	3	2	3	2	7	1	4	4
5	Сугурта иши	28	1	1	3	5	4	2	1	1	1	1	1	1	2	7
6	Иқтисодий ҳавфсизлик	22	2	1	1	5	1	2	3	1	1	1	1	1	2	2
7	Менежмент	58	1	3	4	5	9	3	2	3	3	2	9	5	4	5
8	Корпоратив молия	27	1	1	2	2	4	2	1	1	1	1	3	2	1	7
9	Баҳолаш иши	22	2	2	2	3	2	3	1	1	1	1	3	2	1	2
10	Пенсия иши	22	2	2	2	2	2	1	2	1	2	2	1	2	1	5
11	Электрон тижорат	21	1	1	2	3	3	3	1	1	1	1	3	1	1	3
12	Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш	28	2	2	3	1	1	5	3	2	1	1	1	1	1	6
13	Давлат бюджетининг газначилик ижроси	22	2	1	1	3	2	1	2	1	1	1	2	1	1	7
Жами:		701	23	36	49	37	66	41	32	50	20	24	55	43	40	185

2021/2022 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРУВЧИ МАГИСТРЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

№	Магистратура мутахассисликларининг номи	Жами битирувчилар сони	Шу жумладан, вилоятлар бўйича													
			Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Қашқадарё вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сирдарё вилояти	Сурхондарё вилояти	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Тошкент шаҳри
1	Банк иши ва аудит	39		2	4	4	2	1	2	1	1	2	3	4	1	14
2	Баҳолаш иши ва риэлторлик	6		1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	2
3	Бухгалтерия ҳисоби	53	1	2	2	3	5	4	1	3	2	1	5	3	2	19
4	Бюджет ҳисоби ва назорат	22		1	4	3	2	2	1	1	1	4	2	1	4	4
5	Давлат молияси ва халқаро молия	52		5	5	8	1	1	7	1	5	1	3	1	1	19
6	Иқтисодиёт	26		4	2	1	1	2	2	2	2	1	1	2	1	8
7	Инвестицияларни бошқариш	42	1	1	2	2	3	2	2	4	1	1	3	2	1	19
8	Капитал бозори ва биржа иши	16		1	1	1	1	1	2	1	1	3	1	1	1	8
9	Корпоратив молия ва қимматли қозғалар бозори	17		1	1	1	1	1	3	1	1	2	1	1	1	8
10	Эконометрика	4		2	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	10
Жами:		277	2	9	17	16	25	13	9	24	5	9	24	17	6	101

Маълумот учун телефонлар: 71-234-41-39, 97-410-78-64 (Ў. Дўсбоев)

Тошкент молия институтининг Маркетинг ва талабалар амалиёти бўлими.


Манзил: 100000, То



Янги топилган кўлэзма — ноёб ва мукаммал

Улуғ шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур забардаст олим, назарий-фалсафий фанларнинг билимдони саналган. Даҳо шоирнинг беназир шеърятини ва жаҳон адабиётининг дурдонаси бўлган «Бобурнома» асаридан ташқари, филология илмига оид «Аруз рисоласи», «Хатти Бобурий» деб номланган араб ёзувини ислоҳ қилувчи янги алифбоси, «Мубаййиш» ва «Волидийя» асарининг шеърӣ таржимаси адабий-назарий ва фалсафий-ирфоний қарашлар тарихида алоҳида ўрин тутади.

Х ушхабар



Алломонинг «Аруз рисола-си» («Мухтасар», «Муфасссал» номлари билан нашр этилган) шу вақтга қадар ягона нусхада (Париж Миллий кутубхонаси, Suppl.Turc, № 317) деб қаралар эди. Турк олимлари билан ўзбек арушносларининг ҳамкорлиги ўлароқ Истанбулдаги Мармара университетининг илоҳийёт факультети кутубхонаси (Y21742)да асарнинг бошқа бир кўлэзмаси мавжудлиги аниқланди. Бу ҳақда Меъмон Синон Гўзал санъатлар университети (Туркия) профессори Танжу Сейхан илмий анжумандаги чиқишида хабар берди. Олимнинг ёрдами туфайли ушбу кўлэзма нусхаси Ўзбекистонга келтирилди. Мазкур нусха кўп жихатлари билан Париж нусхасидан фарқланади. Аввало, ҳажм жиҳатдан — Париж нусхаси 172 ыарақ бўлса, бу 205 ыарақдан иборат.

Насталиқ хатидаги матн, асосан, қора сиёҳда ёзилган, бироқ муҳим маълумотлар, атама ва акратилиб кўрсатилиши лозим бўлган қисмлар қизил сиёҳ билан кўчирилган. Асосий матн бир устунда, шеърлар ҳар саҳифага икки устун қилиб жойлаштирилган. 2-саҳифада «Бухоро лисони ила Арузи чингаотӣ» сарлавҳаси берилган. Кейинги саҳифада «Бухоро ва Ҳўқанд ва Самарқанд ва Ҳўқанд ва атрофида махсус чингаотӣ лисони вазида тартиби аруздур» изоҳи ҳам бор. Асар охиридаги «Мин мутамаллиқоти ал-ҳақирӯ-л-фақир Мустафо Толиб Андуҳидий» ёзуви ва «Толиб» исмига кўйилган муҳр кўлэзманинг кимга тегишли эканини билдиради.

Кўчирилши санаеси ушбу тарихида акс этган: Айди м таърихини суҳан айласун, Акун улуғ чоғ аҳду-л-азиз.

Кўлэзманинг биринчи жумласи: «Билгилким, шеърнинг авзонининг мадори уч жузв биладур: сабаб, ватад, фосила», деб бошланади. Демак, бошланчи Париж нусхаси билан бир хил, бироқ унинг тугалланиши аввалги нусхадан кескин фарқ қилади. Чунки Париж нусхаси асосидаги нашрда Мушоқил баҳрининг 18 вазнидан, фақат 5 таси берилган. Ушбу мисол билан матн мантиқан узилиб қолган эди:

Юзи бирла ул ой қади, бири сарву бири лола, Хати бирла анинг хади, бири моху бири лола.

Бу эса тугалланмаган эканини кўрсатади. Истанбул матнида эса тугалланганини билдирувчи ушбу сўзлар мавжуд: «Таммат: Бу байтни беш юз тўрт вазнин даги кўпрак вазнда тақтиъ қилиб эрди. Тасхих жиҳатидан бу рисоланинг бошидин оёғига, оёғидин бошига муқаррар келдим ва бордим. Ҳар не хадсалиқ ва муқаррар вазнарким топилиди чиқардим. Беш юз тўрт вазн қолди. Дедимким, ажаб ададурким, ё зиёд қилур хаёл(и)да эдим. Ба як бор хотирга еттиким, Хуросон фузалосидин улким бурунги байтининг кунҳига етибтур. Ул байтни икки юз эллик вазнда тақтиъ этибтур. Сўнги байт беш юз тўрт вазндурким, бурунгиининг заифи бўлғай. Бас, ушмунча била ихтисор қилилса, бемуносабат эмас эмиш. Бу беш юз тўрт вазн тақтиъда қатъ бежихат эмас эрмиш».

Матнда ҳам сўз қўлашда, доира ва аруз шажараларини беришда ўта аниқлик (билан қизил сиёҳда берилган) мавжуд. Ушбу ҳолатлар кўрсатадики, мазкур кўлэзма аввалги нашр ва факсимилега нисбатан анча тўлиқ. Уни жорий ёзувга табилад этиш жараёнида сўз ва имлодаги фарқлар кўрсатиб берилди.

Дунё хазиналарини синчиқлаб ўрганиладиган хали қанча-қанча ноёб дурдоналаримиз борки, уларни топиб, юртга қайтариб, нашр қилиш биз олимларнинг зиммасида.

Ҳамидулла БОЛТАБОВЕВ, филология фанлари доктори, профессор.

Яхшилик чун қилмадинг, боре ёмонлик қилмағил. Заҳириддин Муҳаммад БОБУР

«...У турли фазилатлар билан безанган ва мақтовли хислатларга эга бўлган бир подшоҳ эди. Ушбу барча фазилатларидан шижоат ва муруввати устун турарди. Туркий шеърни Амир Алишердан кейин ҳеч ким Бобур ёзган даражада ёзган эмас».

Мирзо Муҳаммад ҲАЙДАР. «Тарихи Рашидий»дан.

«Бобур дилбар шахс эди. Уйғонши даврининг ажойиб султони, кучли, тadbиркор киши бўлиб, санъатни, адабиётни, гўзаллиқни севади».

Жавоҳарлал НЕРУ. «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» китобидан.

«Саховати ва мардлиги, истеъдоди, илм-фан, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан Осиёдаги подшоҳлар орасида Бобурга тенг келадиган бирорта подшоҳ топилмайди».

Уильям ЭРСКИН, «Бобурнома» таржимони.



«Бори элга яхшилиқ қилғилки...»

Мустиқиллик шарофати билан халқимизнинг бой маданий мероси, батақдор археологик ва тарихий ёдгорликлари, миллий қадриятларимиз, айниқса, жаҳон илм-фани тараққиётига, инсоният тафаккури юксалишига муносиб ҳисса қўшган буюк алломаларимиз фаолиятини ўрганишга катта эътибор қаратилади.

М е р о с

Қарий 25 йилдан буён фаолият олиб бораётган Бобур халқаро жамоат фонди томонидан ҳам бу борада қўллаб-қўллаган амалга оширилмоқда. Жумладан, Андижонда Боги Бобур мажмуаси ҳамда Бобур Мирзонинг раамий мақбараси барпо этилди. Бобур ва жаҳон маданияти музейи ташкил қилинди. Бундан ташқари, Бобур ва бобурийлар меросини ўрганиш, кенг тарғиб этиш бўйича юртимизда, қатор хорижий давлатларда қўллаб-қўллаган ўтказилди, янги-янги китоблар нашр қилинди, ўнга яқин ҳужжатли фильмлар яратилди. Бобур халқаро муқофоти, «Бобур ва дунё» журнали таъсис қилинди. Бобур халқаро илмий экспедицияси Бобур изидан 40 дан зиёд мамлакатлар бўйлаб илмий сафарлар уюштирди. Натижада қўллаб-қўллаган маънавият топилиб, Бобур ва жаҳон маданияти музейидан жой олди. Айни пайтда музейда 500 дан зиёд ноёб кўлэзма асарлар, нодир китоблар, қимматли манбалар сақланмоқда. Жумладан, «Бобурнома»нинг Ҳайдаробод нусхаси, Бобур Мирзо кашф этган алифбо — «Хатти Бобурий»да кўчирилган Курьони карим нусхаси, «Бобур куллиёти»нинг Эрон нусхасидан

кўчирма ҳамда «Бобурнома»нинг турли тилларга таржима қилинган 20 дан ортиқ нусхалари сақланмоқда.

Кейинги йилларда фонд кўмагида «Бобурнома» уч марта қайта нашр қилинди. Ушбу асарнинг кирилл ва лотин алифбодаридаги таъбири, шунингдек, Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг «Тарихи Рашидий» асари форс тилидан таржима қилиниб, чоп этилди. Бобуришоҳ ва Умоюн Мирзонинг ҳаёти ҳамда фаолияти баён қилинган Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» асари, шунингдек, турли тилларда яратилган «Гулбадан», «Андижон шахзодаси», «Бобур — йўлбарс», «XVI аср бунёдкори» номли китоблар ўзбек тилига таржима қилиниб, китобхоналарга тақдим этилди. «Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бабуриды. Библиография» номли йирик китоб, «Заҳириддин Муҳаммад Бобур хазиналари» рўқнида «Мубайян ва насрий баёни», «Рисолаи Волидийя» назмий таржимаси ва шарҳи» асарларининг чоп этилгани, айниқса, «Бобур энциклопедияси»нинг яратилгани ўзбек бобуришуносларининг катта ютуқларидан бўлди. Бу китоблар юртимиз тарихи, улуғ алломаларимиз, хусусан, шоҳ ва шоир ҳаёти, ижоди, илмий меросини ўрганишда, тадқиқ этишда муҳим манбадир. Фондимиз ташаббуси билан Бобур ва

бобурийлар, қолаверса, заминимизда туғилиб, тақдир тақозоси билан дунёнинг турли жойларида умргузаронлик қилган буюк аждодларимиз яратган бебаҳо асарлар намуналари Ватанимизга қайтарилиб, илмий истеъмолга киритилганига, аввало, кўхна тарихимизни янада чуқур ўрганишга хизмат қилади, қолаверса, ёш авлод қалбида фахрлиниш, ифтихор туйғуларини мустаҳкамлайди.

Бобур халқаро илмий экспедицияси томонидан ҳозирда Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия, Ироқ, Эрон давлатларида бўлган улуғ алломаларимиз мангу кўним топган масканлар зиёрат қилинди. Хусусан, Афғонистондаги йўқолиб кетиш арафасига келиб қолган мавлоно Лутфий мақбараси қайта тикланди. Ҳирот шаҳрининг Мусалол майдонидидаги Алишер Навоийнинг қабр-мақбараси халқимизнинг миллий мейморчилиги услубида янгидан бунёд этилди, унинг атрофида боғ яратилди, Камолитдин Беҳзоднинг қабр-мақбараси тазмирланиб, ободонлаштирилди.

Фондимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур, бобурийлар ва бошқа улуғ алломаларимиз илмий меросини ўрганиш, тарғиб қилиш борасидаги ишларни изчил давом эттиради. Максадиимиз Бобур бобомизнинг «Бори элга яхшилиқ қилғилки, мундин яхши йўқ» деган сўзларини ўзимизга шиор қилиб, фақат эзгу ва хайрли ишларнинг бошидан тутишдир.

Зокиржон МАШРАБОВ, Бобур халқаро жамоат фонди раиси, Ўзбекистон Республикасидаги хизмат кўрсатган маданият ходими.

Иккинчи Ренессанс даври маданий ҳаёти солномаси

Темурийлар ҳукмронлиқ қилган ишлар тарихида иккинчи Ренессанс даври сифатида танилган. Ушбу даврда миллий уйғонишга қандай омиллар сабаб бўлганлигини қўллаб-қўллаган қатори «Бобурнома»дан ҳам билиб олишимиз мумкин.

Т адқиқот

Асардан англаймизки, ушбу давр тарраққиётда мамлакатдаги соғлом маданий муҳит муҳим ўрин тутган. Солномада турли жойлар, шаҳарлар маданий ҳаётига оид аниқ маълумотлар, хабар ва изоҳлар битилган. Хусусан, асар Фарғона вилоятининг тасвири билан бошланади. Фарғона, Андижон, Марғилон, Ҳўқанд каби (қасаба) шаҳарларнинг жойлашishi ўрни, табиати, давлат бошқаруви, ҳукмдорлари, муҳим тарихий воқеалари ҳақида маълумот берар экан, адиб шу ҳудудларнинг маданий муҳити ҳақида ҳам батафсил тўхталади. Жумладан, бадий адабиёти, тасвирий санъати, фанлар тизими ҳамда аҳолининг маданий турмуш даражаси ҳақида қизиқарли маълумотлар беради. Масалан, Фарғона ҳақида ёзар экан, аллома ал-Фарғоний, Марғилон тўрғисидаги таърифта фикшўнос Марғиноний, Ҳўқанд тасвирида эса шоир Камол Ҳўқандий номлари ҳамда уларнинг ноёб меросини тилга олади. Ёки Самарқанд

тасвирида ўндан ортиқ буюкларнинг шаҳар, айни дамда салтанат тарраққиётга таъсирини таъкидлайди. Шу билан бирга, мамлакатда илм-фан ва маданиятнинг юксалишида соҳибқирон Темур ва Улуғбек Мирзонинг алоҳида ўрнига уруғ беради.

Кобул вилояти тасвирида Бобур бу вилоятнинг маданий-адабий муҳити ҳақида кенг тўхталади. Чунки Бобур саргардонликдан кутулиб, дастлаб Кобулда истиқомат қилди, ҳукумат тузди. Асарда мазкур вилоят маданий муҳитининг кўтарилиши, истеъдодли адиблар, моҳир расомлар, хаттотлар фаолияти, қатор фанлар тизимининг босқичма-босқич ривож баён этилади. Бобурнинг ёзишчи, Ҳирот темурийлар бошқарувидаги давлатнинг пойтахтидан бири ҳисобланган, ундаги маданий муҳитнинг тарраққиёт Шохруҳ Мирзо замонда бошланиб, ҳазрат Навоийнинг дўсти Ҳўсайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида анча юксалиди. Таъкидлаш керакки, темурийлар бошқаруви даврида Самарқанд ва Ҳирот маданий муҳити бирибирига таъсир этиб турган. Маса-

лан, Жомий ва Алишер Навоий Самарқандда таҳсил олган, Ҳиротда кенг фаолият олиб боришган бўлса, айрим самарқандлик адиблар, шоирлар, олимлар Ҳиротда таҳсил олиб, Самарқандда қизгин фаолият билан шуғулланишган.

Бобур 1506 йилда Ҳиротда йиғирма кун муддатда Алишер Навоийнинг Унсия уйида яшайди. У бу уй тасвири орқали Ҳирот маданий муҳитига доир батафсил маълумотлар беради. Ушбу даврда баракали ижод қилган ўндан ортиқ машур шоир, адиблар ҳақида хабар қилади. Жумладан, Алишер Навоий, Шайхим Сухайлийнинг катта шoirлигига, ижод намуналарига изоҳ беради. «Бобурнома»да ҳазрат Навоий ҳақида ўн тўрт лаҳвада, Абдураҳмон Жомий ҳақида етти ўринда, Шайхим Сухайлий ҳақида икки-уч ўринда қимматли маълумотлар ёзиб қолдирилган.

Асарда Ҳўсайн Бойқаронинг ҳукмдор сифатида авлоди, оиласи, фарзандлари, мулкчилиги, жанг жадаллари, ҳам давлат, ҳам бадийи адабиёт учун кўрсатган хизматлари ёриштирилган. Умуман, унинг нафақат ҳукмдор, балки Ҳирот маданий муҳитининг мураббийи ва муқаввийи си фатидаги портрети чизиб берилган. Ҳиндистоннинг Дехли ва Агра шаҳарларидаги маданий муҳит айнан

Бобур фаолияти билан боғлиқлиги тарихдан маълум. Шу боис муаллиф мазкур шаҳарлардаги маданий, адабий, илмий муҳит ҳақида тўлиқланиб ёзган. Ёки шунга яқин маълумотни биз Хондамирнинг асарларида ҳам ўқишимиз мумкин. Бобур, унинг қизи Гулбаданбегим ва Хондамирнинг маълумотларига таянганда бўлса, подшоҳ Бобур Аграда янги услубдаги маданий муҳит ташкил этиш учун жиддий ҳаракат қилган. Ўзининг ёзишига кўра, у Самарқанд, Ҳирот, Кобул, Ҳисор, Бадахшон томонларга махсус фармонлар жўнатиб, Агра маданий муҳитига шоирлар, адиблар, муаррихлар, олимлар, умуман, иқтидорли кишиларни ёки шайбонийлардан азият чекаган қалам аҳлини ҳам чақирган. Бу чакан асосида уларнинг Аграда келганларига алоҳида имтиёзлар берганини ўқишимиз мумкин.

Маданий муҳит ҳақидаги таъриф-да шаҳарсозлик маданиятига алоҳида эътибор берилади. «Бобурнома»да қўллаб-қўллаган шаҳарлар, кентлар ёки маълум бир ҳудуд ҳақида каттаччи маълумотлар учрайди. Масалан, Кобулда истиқомат қилган Бобур Боги Наврўз ҳақида тўхталади. Бу боғнинг обод бўлишида ўзгича бўлган ҳукмдор Улуғбек Кобулийнинг беимин-

нат хизматини ва ўзи қўшган ҳиссасини таърифлайди. «Бобурнома»ни варақлар эканмиз, Бобур юрган йўлларига улуғ бобоконли Амир Темурдан ёки Шохруҳ, Мирзо Улуғбек, Гавҳаршодбегим, Бойсункур Мирзо, Абу Саид Мирзо, Абулқосим Бобур, Ҳўсайн Бойқарондан ёдгор бўлиб қолган боғ, ариқ, кориз, бино, сарой, мадраса, масжидларнинг айни ҳолати, қаровсиз иншоотларни таъмирлатганини ҳам фахр билан ёзиб кетган.

«Бобурнома»дан тарихий, адабий, диний-фиқҳий характердаги китоблар, ташкил қилинган адабий мажлислар, таълим-тарбия ва бошқа фанлар тизими хусусида ҳам кенг маълумот олишимиз мумкин. Муҳими, Бобур битган маданий муҳит ҳақидаги ишончли маълумотлар кейинги давр ижодкорлари асарларига асос бўлиб хизмат қилди. «Бобурнома» мемуар асар сифатида бундай қимматли маълумотлари билан ҳам ўз даврида ёзилган адабий-тарихий манбалардан анча устун туради. Бунга мамлакатимиз ва хориж олимлари ўз тадқиқотларида қайта-қайта таъкидлашган.

Буройа РАЖАБОВА, ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти етакчи илмий ходими, филология фанлари номзоди.

Boш муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 248. 30 639 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.
Телефонлар: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълолар 71-232-11-15.
Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Соибназаров. Мусахҳиҳ — С. Исломов.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.25 Тошшириди — 00.10 1 2 3 4 5 6